2024-yil 14-noyabr
payshanba

№143
(5051)

Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

Ishonch

• O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan



ЯНГИ ИЖТИМОИЙ ШАРТНОМА:

ЕВРОПА ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ КАСАБА УЮШМАЛАРИ НИГОҲИДА

12-13 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги «Chinobod plaza» санаторийсининг Ўзбекистон касаба уюшмалари Янги Конгресс холлида «Янги ижтимоий шартнома: Европа ва Марказий Осиё касаба уюшмалари нигоҳида» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.



Халқаро ижтимоий мулоқот майдонига айланган ушбу анжуманда Европа ижтимоий-иқтисодий қўмитаси президенти Оливер Рёпке, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюроси (ACTRAV) директори Мария Хелена Андре, Болгария мустақил касаба уюшмалари Конфедерацияси вице-президенти Даниэла Стойнова, Польша касаба уюшмалари Миллий альянси президенти Пётр Островский ҳамда Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина, Грузия, Литва, Молдова каби давлатлар касаба уюшмалари масъуллари, шунингдек, мамлакатимиз ҳукумати аъзолари, маҳаллий касаба уюшмалари тизимида меҳнат қилаётган фаоллар, меҳнат ҳуқуқига дахлдор ташкилотларнинг масъул вакиллари иштирок этишди.



Конференцияни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов очиб берди. Кун тартибидан давлатлараро умумий экологик ва демографик масалалар, ишчи-ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги муаммолар, меҳнатни муносиб ижтимоий ҳимоя қилиш, унга муносиб ҳақ тўлаш каби мавзулар ўрин олди. Тобора жадал тус олаётган технологик жараёнлар таъсирида иш ўринларига бўлган талаб ва тенденциялар ўзгариб бораётганини ҳисобга олиб, бутунлай янги мазмун-моҳият билан бойитилган ижтимоий шартномани яратиш масаласи эса тадбирнинг бош мавзусига айланди.

Халқаро анжуманда меҳнат бозори тенденцияларига бардош бера оладиган иш ўринларини кўпайтириш, меҳнат муносабатларига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар ва уларнинг ечими, бу борада дунё давлатлари тажрибалари, бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида ҳам атрофлича сўз юритилди. Жумладан, конференциянинг биринчи иш кунида «Янги ижтимоий шартнома асоси: меҳнат дунёсидаги трансформацион ўзгаришлар оқибатида миллий ва халқаро даражадаги мавжуд бошқарув тузилмаларидаги чекловлар ва келажакка йўл» мавзусидаги панель мунозара бўлиб ўтди. Унда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари қўмитаси аъзоси Акмал Саидов, мамлакатимиз Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Ботир Зоҳидов ва вазирликнинг масъул вакили Раъно Турдибоева сўзга чиқиб, Ўзбекистонда муносиб меҳнат шароитларини яратиш, меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган давлат ислоҳотлари ва ижтимоий шартнома назарияларининг такомиллашуви ҳақида маълумот бердилар. Маърузаларда таъкидланишича, шу пайтгача Ўзбекистонда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 25 та конвенцияси ва 1 та баённомаси ратификация қилинди. Уларнинг 4 таси 2024 йилнинг ўзида амалга оширилди. Айни пайтда ХМТнинг яна 4 та: 173-, 183-, 184- ва 190-конвенцияларини ратификация қилиш устида иш олиб борилмоқда. Мамлакатимизда 2019 йилда Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши кураш миллий комиссияси ташкил этилди. Халқаро Меҳнат Ташкилоти билан ҳамкорликда 2021 – 2025 йилларга мўлжалланган Муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастури ҳам тасдиқланди. Унда меҳнат соҳасини тартибга солиш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор берилган.

Шундан сўнг БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори Сабине Махл, Европа ижтимоий-иқтисодий қўмитаси президенти Оливер Рёпке, ХМТ вакили Мария Хелена Андре ва яна бир қатор хорижлик мутахассислар сўзга чиқдилар. Уларнинг фикрича, янги ижтимоий шартномани яратиш эҳтиёжи миграция кучайиши, турли эпидемия ва пандемиялар, рақамлаштириш, иқлим ўзгариши каби масалалар сабабли юзага келмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Янги ижтимоий шартнома тўғрисидаги декларация 2022 йили қабул қилинган бўлиб, 3 та ўзаро боғлиқ глобал муаммо – иқлим ўзгариши, соғлиқни сақлаш ва технология бўйича ҳаракат қилишга чақирувчи баёнотдир. Ижтимоий шартнома асосини ташкил этиши кутилаётган 22 та банд айни пайтда иш ўринларига таъсир кўрсатаётган омилларнинг салбий оқибатларини камайтиришга хизмат қилади.

Конференциянинг иккинчи куни ҳам муҳокамаларга бой бўлди. Унда Туркманистон касаба уюшмалари Миллий маркази Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Мекан Овезов, Латвия қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ходимлари Ассоциацияси президенти Лаила Абола, Ўзбекистон иш берувчилари Конфедерацияси ижрочи директори Эка Маргишвили, Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазири Шерзод Шерматов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси бўлим мудири Маҳмуджон Исаев ва Қирғизистон, Грузия, Литва, Туркия, Арманистон вакиллари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Халқаро анжуманда сунъий интеллект ва катта ҳажмдаги маълумотлар базалари, меҳнат ва иш ўринларининг асослари ўзгараётгани, технологик ўзгаришларнинг меҳнат муносабатларига таъсири атрофлича муҳокама этилди. Сессиялар доирасида ўтказилган семинар ва давра суҳбатларида иш жойларида технологик ютуқлар оқимини бошқариш механизми сифатида ижтимоий мулоқот, Янги ижтимоий шартнома концепцияси ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди.

Анжуманда минтақа касаба уюшмалари учун умумий кун тартиби ва стратегия ишлаб чиқилди.

Тадбир сўнгида Тошкент халқаро конференцияси Резолюцияси қабул қилинди.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»



www.ishonch.uz
ishonch1991@yandex.uz
facebook.com/ishonchofficial.uz
https://t.me/ishonchuz_official

Сўз анжуман иштирокчиларига

ЯНГИ ИЖТИМОИЙ ШАРТНОМА: ЕВРОПА ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ КАСАБА УЮШМАЛАРИ НИГОҲИДА

12-13 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги «Chinobod plaza» санаторийсининг Ўзбекистон касаба уюшмалари Янги Конгресс холлида «Янги ижтимоий шартнома: Европа ва Марказий Осиё касаба уюшмалари нигоҳида» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. «Ishonch» мухбири анжуман иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари ва таассуротлари билан қизиқди.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН!



Сатибалди ДАУЛЕТАЛИН, *Қозоғистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси раиси, Халқаро касаба уюшмалари Конфедерациясининг Бутуневропа минтақавий кенгаши вице-президенти:*

– Охирги пайтлар меҳнат соҳасида сунъий интеллектдан ҳамма истаганча фойдаланяпти. Бу кетишда у оммалашиб, кўплаб иш ўринлари қисқариб кетиши мумкин. Шу боис биз Қозоғистонда қайси соҳаларда сунъий интеллектга ўтиш мумкин, қай бирларида қийин ва қайсиларида ўтиб бўлмайди, деган саволлар асосида тадқиқот ўтказдик. Натижаларга кўра, 25-29 фоиз иш ўрнини сунъий интеллект билан алмаштириш, яъни автоматлаштириш мумкин экан. Аммо бир нарсани назардан қочирмаслик керак, у ҳам бўлса, Марказий Осиё давлатларида аҳоли маошлари унчалик катта эмас. Шундай экан, сунъий интеллектга аста-секин, босқичма-босқич ўтиш, олдин ундан фойдаланишни тартибга соладиган ҳужжатни қабул қилиш лозим. Масалан, Қозоғистонда ушбу масала бўйича доктрина қабул қилинган, аммо ҳуқуқий ҳужжат йўқ.

Ҳозир сунъий интеллектни бошқарадиган мутахассислар йилига 100-140 минг АҚШ доллари ишлашмоқда. Биз уларни жалб қилиб, ходимларга сунъий интеллект имкониятларини ўргатиш ва замонга мос кадрлар қилиб тайёрлаш учун малака ошириш курслари очишимиз, сунъий интеллект билан ишлайдиган ва ишламайдиган касблар рўйхатини шакллантириб олишимиз керак. Ана шунда у инсоният инқирозига эмас, тараққиётига хизмат қилади.



Кувончбек ТЎРАЕВ, Эъзоза УМУРЗОҚОВА олган суратлар

БУ ЮРТДА ИСТЕЪДОДЛИ ИНСОНЛАР ЖУДА КЎП



Сабине МАХЛ, *БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори*

– Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича кўплаб ислоҳотлар олиб борилмоқда. Жумладан, меҳнат ҳуқуқларига катта эътибор қаратилмоқда. БМТ Бош котиби 1 июлда Ўзбекистонга ташриф буюрганида, Шавкат Миромонович билан бирга мамлакат аҳолисининг 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этишини ҳисобга олиб, муносиб иш ўринларини яратиш масаласини ҳам муҳокама қилган эди. Ҳар бир иш ўрни нафақат даромад келтириши, балки тараққиётга ҳам ҳисса қўшиши керак. Чунки Ўзбекистонда кўплаб истеъдодли инсонлар яшайди. Мен ҳудудларга борганимда кўплаб инновацияларни кўрдим. Ва ишонаманки, Ўзбекистоннинг бу йўналишдаги тажрибаси келаси йил Жаҳон ижтимоий ривожланиш саммитида муҳокама қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТ БОРАСИДА ЎЗ КУН ТАРТИБИГА ЭГА



Мария Хелена АНДРЕ, *Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Меҳнаткашлар фаолияти бўйича Бюроси (ACTRAV) директори:*

– Бугунги конференцияда маълум бўлдики, мамлакатингиз ўзининг 2030 йилгача бўлган даврни қамраб олган аниқ кун тартибини белгилаб олган. Унда муносиб иш ўринлари яратиш ва ижтимоий ҳимоя, норасмий иқтисодиётни расмийлаштириш, гендер тенглик билан боғлиқ масалалар мужассамлашган. Жараёнда ишчилар ва иш берувчилар вакиллари ҳам иштирок этади, чунки сизларда уч томонлама шериклик қилувчилар ҳам, уларнинг келишувлари ҳам бор. Бу – биринчидан.

Иккинчидан, Ўзбекистон мисолида оладиган бўлсак, анжуманда кўпроқ яхши ва сифатли иш ўринлари яратиш, иш самарадорлиги ҳамда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш ҳақида гапирилди. Бунга тўлиқ эришиш мушкул. Аммо мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, аёллар ва ёшларни меҳнат бозорига интеграция қилиш йўлларини аниқлаш, янги кўникмаларни белгилаб олиш лозим. Давлатингиз ижтимоий ҳимоя ва норасмий иқтисодиётни кун тартибидаги муҳим масалалар сирасига киритган, мен эса улар қаторига гендер тенгликни ҳам қўшган бўлардим. Чунки бу масала суҳбатларимизда бот-бот тилга олинди.

Ўзбекистонда кучли институтлар бор – улар ҳукумат, иш берувчилар ва ишчилардир. Бу мамлакатингизга керак бўлган биринчи шартдир. Ушбу тузилмаларни янада мустаҳкамлаш баробарида ҳамма нарса ижтимоий консенсус ва ижтимоий тушуниш, ижтимоий мажбурият ва ижтимоий иштирокни талаб қиладиган ҳақиқатдан четга чиқмаслиги лозим. Биз бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишларни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз ва касаба уюшмалари билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

МУҲИМ ЎЗГАРИШЛАР АРАФАСИДАМИЗ

– Ўз чиқишимда таъкидлаганимдек, ҳар 10 кишининг бири оиласидаги уй-жой ва электр энергияси каби асосий харажатларни қоплай олмайди. Аҳолининг тўртдан уч қисми энг кам иш ҳақи муносиб ҳаёт кечириш учун етарли эмас, деб ҳисоблайди. 87 фоизи арзон тиббий хизматдан фойдаланишни қўллаб-қувватлайди, 67 фоизи эса соғлиқни сақлаш тизими фаолиятидан қониқмайди.

Янги ижтимоий шартномада ушбу муаммолар инобатга олинган ҳолда, иш жойларига қўйиладиган асосий талаблар белгиланади. Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси жаҳон миқёсида 575 миллионта янги иш ўрни яратишни мақсад қилган. Биз 2030 йилга қадар барча норасмий иш ўринларининг камида ярмини расмийлаштиришимиз керак. Бунда ХМТнинг 34-сонли тавсиясига риоя қилиш, касаба уюшмалари томонидан муносиб иш ўринлари яратиш ва қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган бандлик миллий режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жуда муҳим. Иқлим ўзгаришига қарши курашиш учун янги технологиялардан фойдаланиш, жумладан, иш ўринларига бўлган тўсиқларни бартараф этиш учун таълим ва умрбод таълимга сармоя киритиш лозим. Ходимлар малакасини ошириш ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Асосий ҳуқуқлар ҳақида гапирадиган бўлсак, демократия ва ўз тақдирини ўзи белгилашни, халқаро меҳнат стандартларига риоя қилиш ва касаба уюшмаларининг стандарт назоратини қўллаб-қувватлашимиз, қолаверса, бутун дунёда иш ташлаш ҳуқуқини ҳимоя қилишимиз керак. Шу билан бирга, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг муҳим ролини, фикр билдириш, йиғилишлар эркинлиги ҳуқуқини тан олишимиз зарур.



Игорь ЗУБКУ, *Халқаро Касаба уюшмалари Конфедерациясининг Бутуневропа минтақавий кенгаши президенти, Молдова:*

ФИКРЛАР РЕЗОЛЮЦИЯДА ЎЗ АКСИНИ ТОПДИ



Маҳмуджон ИСАЕВ, *Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири:*

– Меҳнат бозорида рўй бераётган ўзгаришлар меҳнат дунёсини анча ўзгартирди. Шунга мувофиқ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ХМТ билан ҳамкорликда «Янги ижтимоий шартнома: Европа ва Марказий Осиё касаба уюшмалари нигоҳида» мавзусида халқаро конференция ўтказди. Унда 23 та давлатдан келган касаба уюшмалари фаоллари, ХМТ экспертлари қатнашдилар. Конференция жараёнида янги ижтимоий шартнома тузиш зарурлиги, дунёда рўй бераётган ўзгаришларнинг меҳнат соҳасига таъсири, унда касаба уюшмаларининг фаолияти, роли қандай бўлиши кераклиги хусусида музокаралар бўлиб ўтди.

Пировардида янги ижтимоий шартномани тузиш зарур деган хулосага келинди ва халқаро конференция Резолюцияси қабул қилинди. Унда касаба уюшмаларининг айни йўналишдаги вазифалари аниқ белгилаб берилди. Жумладан, меҳнат соҳасини бошқаришдаги ҳуқуқлар ва тамойилларни кенг тарқатиш, экологик ва технологик ўзгаришлар жараёнида меҳнат бозорини тартибга солиш, тараққиёт мевaларини адолатли тақсимлаш зарурлиги қайд этилди. Энг муҳими, меҳнаткашларнинг иш ҳақини ошириш ва барча учун ижтимоий ҳимоя янги ижтимоий шартноманинг негизида бўлиши керак, деган тўхтамга келинди.

Шунингдек, меҳнат соҳасида демократияга амал қилиш ва халқаро меҳнат нормаларини замонавийлаштириш, уларни замон талабларига мослаштириш, ХМТнинг назорат механизмини такомиллаштириш бўйича фикрлар ҳам Резолюцияда ўз аксини топди.

ЭЗГУ МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШ ИМКОНИЯТЛАРИ ЕТАРЛИ



Харри ТАЛИГА, *Эстония давлати вакили, Давлат яраштирувчиси ўринбосари:*

– Тошкентда кўплаб давлатлар вакиллари иштирокида бўлиб ўтаётган мазкур конференция Ўзбекистонда муҳим ўзгаришлар рўй берганининг исботидир. Сўнгги 6 йилда меҳнатни тартибга солиш борасидаги ислоҳотлар, айниқса, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича мониторинг тизими ижобий натижа берди. Қолаверса, бунда ушбу ташкилот ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳамкорликдаги ёндашуви тўғри экани исботланди.

Дунёда глобал ўзгаришлар рўй бераётган ҳозирги кунда касаба уюшмалари учун муносиб меҳнат тақчиллигини бартараф этиш имкониятларини муҳокама қилиш ва амалга ошириш мумкин бўлган вариантларни топиш жуда муҳим. Бу, табиийки, жамоавий битимлар, меҳнат шароитлари ва иш жойларидаги хавфсизлик билан боғлиқ. Бас, шундай экан, конференцияда таъкидланганидек, биз кутилаётган янгиликларга тайёр бўлишимиз ва келгуси вазифаларимизни муҳокама қилиб, янада қатъийлаштириб олишимиз, бу жараёнда касаба уюшмалари фаол ва ташаббускор бўлиши, асосли таклифларни илгари суриши лозим эди.

Янги ижтимоий шартнома бўйича биринчи конференция ўтказиладиган жой сифатида Тошкент шаҳри танлангани бежиз эмас. Ўзбекистон шу пайтгача меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича олдига қўйилган вазифаларни аъло даражада уддалай олишини исботлади. Навбатдаги мақсадларга эришиш учун ҳам бу мамлакатда барча имкониятлар етарли, деб ўйлайман.

ИЖТИМОИЙ СУҒУРТА ФОНДИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИНИ МУСТАҲКАМЛАШИМИЗ КЕРАК



Мавлуда ХОДЖАЕВА, конференция иштирокчиси:

– Меҳнат қонунчилигимизда иш берувчилар зиммасидаги юкламалар жуда кўп. Биз уларни камайтирсак, норасмий секторда ишлаётган ишчиларнинг ҳам меҳнат муҳофазасини, ҳам ижтимоий ҳимоясини, ҳам расмий сектордаги иш ўринларини легаллаштиришга эришамиз. Оддийгина мисол, норасмий секторда ишлаётган хотин-қизлар декретга чиққан пайтда декрет пулини ололмаяпти. Оқибатда ана шу маблағнинг маълум қисми ижтимоий суғурта фонди томонидан тўланяпти. Шунинг учун биз давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисидаги қонунни қабул қилиш таклифини илгари суряпмиз. Унга кўра, иш берувчилар зиммасидаги юкламаларни пасайтириш эвазига расмий сектордаги хизматларни кўпайтириш ва шу тариқа камбағалликни қисқартиришга эришамиз.

Биз айрим тўловларни давлат ижтимоий суғурта фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширишга босқичма-босқич ўтишни режалаштиряпмиз. Албатта, унинг қонунчиликдаги асосини яратганимиздан кейин дастлаб хотин-қизларга декрет пулларини шу ижтимоий суғурта фонди орқали тўлашни мўлжаллаяпмиз. Иккинчи масала эса ишчи-ходим касал бўлиб, даволанишга чиққанида хусусий секторда касаллик варақаси бўйича ҳақ тўламаслик ҳолатлари билан боғлиқ. Агар ўша тўловни, шунингдек, кейинчалик ишсиз қолган ишчиларга ҳақ тўлашни ҳам ижтимоий суғурта фонди орқали амалга оширишни йўлга қўйсак, жуда яхши натижаларга эришамиз.

Шарҳ

КОНСТИТУЦИЯМИЗ – ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ ГАРОВИ



Янги Ўзбекистон ҳаётининг турли соҳаларида изчил давом этаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижаларини мустаҳкамлашда янги таҳрирдаги Конституциянинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Конституциявий комиссия раиси – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал САИДОВ билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

– Бу йил мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрами «Конституция – эркин ва фаровон ҳаёт гарови!» деган бош ғоя асосида кенг нишонланади, **– дейди А.Саидов.** – Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2024 йил 17 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги фармойиши билан тасдиқланган Дастур доирасида бу борада тизимли ташкилий-амалий, маънавий-маданий, маърифий-ҳуқуқий тадбирлар бошлаб юборилди.

– Янги Ўзбекистондаги конституциявий ислоҳот қандай ҳаётий мезонлар ҳосиласи ҳисобланади?

– Бу ҳақда фикр юритганда, даставвал, Президентимиз ташаббуси билан сўнгги йилларда қабул қилинган учта комплекс тараққиёт стратегиясини алоҳида таъкидлаш лозим. **Биринчидан,** «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» доирасида Конституциянинг нормалари янада такомиллаштирилди; **иккинчидан,** «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» асосида изчил конституциявий ислоҳот амалга оширилди; **учинчидан,** «Ўзбекистон – 2030» стратегиясини ҳаётга татбиқ этишда янгиланган Асосий қонунимизнинг тўғридан-тўғри ижросини таъминлашга қаратилган таъсирчан чоралар кўрилмоқда.

Конституциямиз мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маданий ҳаётнинг барча соҳаларида изчил ва босқичма-босқич, узвий ва тизимли равишда амалга оширилаётган кенг қамровли демократик ислоҳотларнинг мустаҳкам юридик манбаи ҳамда асосий ҳуқуқий кафолатидир.

Конституцияни қотиб қолган қоидалар йиғиндиси, деб ҳам бўлмайди. **Конституция – динамик, яъни доимий ҳаракатдаги, ўсиш ва ривожланиш жараёнидаги ҳужжатдир.** У ҳаёт жўшқинлиги ва ўзгаришларини ўзида акс эттиради. Шу маънода, хусусан, Ҳаракатлар стратегияси **Янги Ўзбекистоннинг янги конституциявий қиёфаси**га асос бўлди.

– Конституциявий ислоҳотнинг асосий ташаббускори ва бош ғоявий илҳомлантирувчиси ким?

– Маълумки, 2021 йилги Ўзбекистон Президенти сайлови жараёнида барча номзодларнинг электорат вакиллари билан учрашувлари чоғида ҳаётий талабдан келиб чиққан ва мамлакатимиздаги демократик ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлган муҳим таклиф илгари сурилди. Бу – конституциявий ислоҳотни амалга ошириш.

Ўз навбатида, 2021 йил 6 ноябрдаги Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида сўзлаган нутқида конституциявий ислоҳотнинг назарий асоси сифатида **Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси белгилаб берилди. Президентимизнинг «Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси»** китобида ҳам конституциявий ислоҳотга алоҳида бир фасл бағишланган.

Эътибор беринг: Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йилда нашрдан чиққан **«Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси»** китобидаги алоҳида бир фасл айнан **«Конституциявий ислоҳотлар – Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги объектив заруратдир»**, деб номланган. Унда сайловолди учрашувлари пайтида халқ билан мулоқот жараёнида ўртага ташланган муҳим таклиф ва ташаббуслар, бугунги тараққиётимиз ва истиқболдаги режаларига оид хулосалар ўз аксини топган.

Шу маънода, **Ўзбекистонда конституциявий ислоҳотнинг бош ғоявий илҳомлантирувчиси, шубҳасиз, Президентимиз Шавкат Мирзиёев бўладилар. Конституциявий ислоҳотнинг асосий ташаббускори эса мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатламидир.**

Ҳуқуқий давлатда Конституция билан жамият ривожи ўртасида узилиш бўлмаслиги керак. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси талабига кўра, миллий қонунчилик ва ҳуқуқий амалиётда **«инсон – жамият – давлат»** тамойилини мустаҳкамлаш лозим.

Шу нуқтаи назардан, **Конституциявий ислоҳот – Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тақозосига айланди.** Бинобарин, «Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясини амалга оширишда Бош қомусимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституциясини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини жамиятдаги бугунги реал воқеликка мослаштириш – мамлакатимиздаги шиддатли ва изчил ислоҳотлар талаби сифатида майдонга чиқди. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасидаги кенг кўламли вазифалар, хусусан, адолатли ва халқпарвар давлатни барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, қадр-қимматини янада самарали таъминлаш каби улуғвор мақсадлар бу борада зарур ҳуқуқий асосни таъминловчи конституциявий маконни янада такомиллаштириш эҳтиёжини кун тартибига қўйди.

– Конституциявий комиссиянинг ташкил этилиши ва фаолияти конституциявий ислоҳот жараёнида қандай аҳамият касб этди?

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Қонунчилик палатаси Кенгашининг 2022 йил 20 май куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш киритиш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан **Конституциявий комиссия** тузилиб, унинг таркиби ва вазифалари белгиланди. Комиссияга аҳолининг барча қатламларидан Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни олиш борасида вазифалар қўйилди.

Комиссия таркибига депутатлар, сенаторлар, Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан вакиллар, фуқаролик жамияти институтлари, ҳуқуқшунослар, сиёсатшунослар ва мутахассислар киритилди. Конституциявий комиссия ўз фаолиятида **«жамият – ислоҳотлар ташаббускори»** деган ғояга таянди.

Ўзбекистон Президенти томонидан Конституциявий комиссия фаолиятининг учта босқичи аниқ белгилаб берилди. Шу асосда Конституциявий комиссия:

биринчидан, Конституцияни ўзгартириш бўйича таклифларни қабул қилиш, жамлаш ва таҳлил қилишни ташкиллаштириш;

иккинчидан, Конституциявий комиссия томонидан ишлаб чиқилган янгиланган Конституция лойиҳасини кенг жамоатчилик иштирокида кўриб чиқиш ва умумхалқ муҳокамасини ўтказиш;

учинчидан, умумхалқ муҳокамаси натижасида маромига етказилган Конституцияга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини референдум ўтказиш йўли билан қабул қилиш босқичлари доирасида изчил фаолият олиб борди.

– Ўзбекистон Президентининг Конституцияни янгилаш бўйича илгари сурган таклифлари ва ташаббуслари нечоғлик рўёбга чиқди?

– Бу ҳақда фикр юритганда, аввало, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш киритиш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия аъзолари билан 2022 йил 20 июнда бўлиб ўтган учрашуви тафсилотларига тўхталиш лозим.

Давлат раҳбари худди шу учрашувда инсон қадрини конституциявий мустаҳкамлашнинг тўққизта асосий йўналиши бўйича Конституцияга киритиладиган аниқ таклифларини жамоатчилик эътиборига ҳавола этди. Шу муҳим таклиф ва ташаббусларнинг барчаси янги таҳрирдаги Конституциямизда ўз аксини топди.

Хусусан, Ўзбекистон Президенти инсон – давлат ва жамият учун мақсадга эришиш воситаси эмас, аксинча, ана шу мақсаднинг бош мазмуни ва манбаи ҳамда энг олий қадрият бўлиши лозим, деган ташаббус билан чиқди. Натижада инсон қадрини юксалтириш давлат ҳокимияти органларининг конституциявий бурчи ва устувор вазифасига айланди.

– Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамалари қандай кечди?

– Мамлакатимиз сиёсий партияларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари томонидан янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституция лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди. Айни жараёнда фуқароларимиз, кенг жамоатчилик вакиллари, айниқса, ёшлар бефарқ бўлмасдан, ўз таклиф ва мулоҳазалари билан фаол қатнашди.

Ўтказилган социологик тадқиқот респондентларнинг 88 фоизи Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан қандай таклифлар билдирилганидан хабардор эканини кўрсатди.

Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги конституциявий қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Лойиҳа муҳокамаларида фуқароларнинг фаоллиги кучайгани, таклифлар сони тобора ошаётгани боис умумхалқ муҳокамаси муддати бир неча бор узайтирилди.

Умумхалқ муҳокамаси даврида вазирлик, идора ва ташкилотларда, республика бўйича барча туман ва шаҳарларда, шунингдек, Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлар, сиёсий партиялар, маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокида 20 мингга яқин тадбир ташкил этилди. Конституциямизга киритилаётган ўзгаришлар ҳамда олиб борилаётган ишлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича учта халқаро жамоатчилик эшитуви ўтказилди. Булардан бири – Конституцияларда хотин-қизлар ҳуқуқи тўғрисидаги қоидаларнинг акс этиши; яна бири – Конституцияларда бола ҳуқуқларининг кафолатланиши ва кейингиси – Конституцияларда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларининг мустаҳкамланиши билан боғлиқ мавзуларга бағишланди.

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун талаблари асосида лойиҳага берилган таклифларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш ишлари давом эттирилди. Меҳнат жамоалари, олийгоҳлар, маҳалла фаоллари ва зиёлилар билан бўлиб ўтган муҳокамаларда ҳам яна қарийб 10 мингта қўшимча таклиф келиб тушди. Айни пайтда **халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва 193 та давлат тажрибаси ўрганилди.**

Шу тариқа Ўзбекистон Республикаси Конституциясини янгилаш бўйича жами 222 минг 715 та таклиф олинди. Умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан нафақат фуқароларнинг якка тартибдаги, балки кўплаб жамоавий таклифлари ҳам Конституциявий комиссияга келиб тушди.

Буларнинг ҳаммаси янги таҳрирдаги Конституцияда жамиятнинг барча қатламлари манфаатлари инобатга олинган, Янги Ўзбекистонни қуриш ғояси атрофида бутун жамият жипслашгани, Бош Қомусимиз том маънода халқ Конституцияси бўлганидан далолат беради.



Конституция лойиҳасидаги моддалар сони амалдаги 128 тадан 155 тага, нормалар сони 275 тадан 434 тага ошди. Яъни, Асосий қонунимиз матни қарийб 65 фоизга ортди ва халқимиз таклифлари асосида янгиланди.

Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳаси 7 турдаги назарий ва амалий, илмий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди. Айниқса, илмий муассаса ва таълим ташкилотлари янги таҳрирдаги Конституция лойиҳаси юзасидан таклифлар киритиш борасида пешқадам бўлди. Ўзбекистондаги конституциявий ислоҳот жараёнида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг тегишли тузилмалари фаол ҳамкорлик қилди.

– Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси бўйича референдум қандай ташкил этилди?

– Даставвал, 2023 йил 9-10 март кунлари бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича референдумни ўтказиш санаси 2023 йил 30 апрель деб белгиланди.

Депутатлар томонидан ушбу қарор юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди хулосасини олиш тўғрисидаги масала ҳам қўллаб-қувватланди. Бинобарин, 2023 йил 13 март куни мазкур қарорнинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги иш юзасидан Конституциявий суд қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, Конституциявий қонун лойиҳаси 2023 йил 14 март куни Олий Мажлис Сенатида кўриб чиқилди. Муҳокамалар натижасида сенаторлар томонидан референдум 2023 йил 30 апрель кунига тайинланди. Шу асосда мамлакатимизда тарихий референдум ўтказилди.

Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорига кўра, референдумда овоз берувчиларнинг 84,51 фоизи иштирок этгани инобатга олиниб, 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича референдум Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ҳақиқий, деб топилди. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги Конституциявий қонун референдумда умумхалқ овози билан қабул қилинган, деб ҳисобланди.

Мазкур қарор расмий эълон қилинган куннинг ўзида унинг ижросини ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилди.

– Ўтган даврда янги таҳрирдаги Конституция ижроси бўйича қандай амалий ишлар қилинди?

– Кейинги 16 ой давомида Янги Ўзбекистон Конституцияси доирасида мамлакатимизда Конституция ва қонунлар устуворлигини таъминлаш, давлат органлари фаолиятини янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитга мос ҳолда йўлга қўйиш борасида изчил ҳамда тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бу ҳақда сўз борганда, биринчи навбатда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг **«Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон»** номли навбатдаги китобини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўзбекистон Президентининг дастурий маъруза ва нутқлари ҳамда фармон ва қарорлари, миллий тараққиёт стратегиялари ва давлат дастурларида ҳам янги таҳрирдаги Конституция нормаларини мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларига изчиллик билан жорий этишнинг туб сиёсий-назарий моҳияти, ташкилий-амалий механизмлари чуқур очиб берилган.

Шу ўринда 2023 йил 8 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони** қабул қилинганини таъкидлаш мақсадга мувофиқ. Унда белгиланганидек, янги таҳрирдаги Конституция олий юридик кучга эга эканидан келиб чиқиб, давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида тўғридан-тўғри ва сўзсиз қўлланилади.

Фармон асосида ўнлаб қонун ва қонуности ҳужжатлари янги таҳрирда қабул қилинган Конституцияга мувофиқлаштирилди. Ушбу Фармон билан **«Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури»** тасдиқланди.

Шунингдек, 2023 йил 7 ноябрда Президентимизнинг «Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Фармон билан давлат раҳбарининг 10 та фармони ва 4 та қарорига тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда белгиланган ҳокимлар ва халқ депутатлари Кенгашлари ваколатлари тақсимланишига асосланган давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг янги моделини тўлиқ амалга ошириш, маҳаллий Кенгашларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ролини кучайтириш, маҳаллий давлат ҳокимиятини янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Президенти 2024 йил 2 февралда «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни ҳам қабул қилди.

– Бу борада қабул қилинган қонунларда қандай нормалар белгиланган?

– Ўзбекистон Президенти 2024 йил 19 февралда **«Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунни имзолади**. Қонун билан тегишли қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган мутлақ ваколатларини ҳамда парламент назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилишини, қонунчилик таклифларини илгари суриш тартиби ва қонунларни қабул қилишнинг янги тартиби амалдаги қонунчиликда белгиланишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Шунингдек, 2024 йил 17 октябрда **«Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун** қабул қилинди. Ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ҳокимларнинг ҳамда халқ депутатлари Кенгашларининг ваколатларини аниқлаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

– Бу борада давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлари ҳамда суд тизими томонидан қандай ишлар бажарилмоқда?

– Айни йўналишда миллий парламент палаталари томонидан ҳам тегишли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан 2023 йил 15 майда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича «йўл харитаси» қабул қилиниб, 10 мингга яқин тарғибот тадбири ўтказилди ҳамда бепул онлайн курс яратилди.

Ўз навбатида, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2023 йил 3 октябрда **«Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарор** қабул қилинди. Қарор билан ҳукумат қарорлари билан тасдиқланган муайян низом ва регламентларнинг айрим бандларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси **Олий суди Пленуми 2023 йил 23 июнда «Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарор**ни қабул қилди. Унда Конституциянинг олий юридик кучга эгалиги ҳақидаги қоида унинг нормалари барча қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан устун туришини инобатга олиб, судлар кўриб чиқилаётган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ва бошқа норматив ҳужжатнинг мазмунини баҳолаши ва зарур ҳолларда Конституция нормаларини тўғридан-тўғри амал қилувчи олий юридик кучга эга норматив ҳуқуқий асос сифатида қўллаши лозимлиги юзасидан муҳим тушунтиришлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди 2023 йил 5 декабрда **«Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотини тасдиқлаш ҳақида»ги қарор**ини эълон қилди.

– Конституциявий нормалар жамиятимиз ва давлатимиз, таъбир жоиз бўлса, мамлакатимизда яшайдиган ҳар қайси инсон ҳаётида амал қилаётганини кўрсатиб берадиган ёрқин бир мисол келтириш мумкинми?

– Мамлакатимизда кейинги даврда бўлиб ўтган иккита сайловни олиб кўрайлик. Аввалambор, 2023 йили бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жамиятимизнинг сиёсий етуклигини, Янги Ўзбекистонни қуриш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар қўллаб-қувватланаётганини яна бир бор намоён этди.

Яқинда, 2024 йил 27 октябрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар – бу борада навбатдаги муҳим қадамдир. Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг замонавий конституциявий нормалари ва умумэътироф этилган халқаро сайлов стандартлари асосида миллий сайлов қонунчилиги тубдан такомиллаштирилгани ушбу сайлов жараёнларининг янада очиқ ва ошкора ўтишини таъминлади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар қандай қонун, аввало, уни билиш ва ҳурмат қилиш, унга сўзсиз риоя этиш орқали том маънода қонунийлик ҳамда амалийлик касб этади.

Бу, аввалambор, мансабдор шахсларнинг ҳам, фуқароларнинг ҳам Конституцияни билишларини қатъий талаб этади. Юксак ҳуқуқий маданиятсиз Конституциянинг бой салоҳиятини тўлиқ амалга ошириш мумкин эмас. Аммо Конституцияни билишнинг ўзи билан ҳам кифояланиб бўлмайди.

Шу маънода, мамлакатимизда Конституция кунини муносиб кутиб олиш ва юксак савияда нишонлаш билан боғлиқ хайрли анъана Асосий қонунимизда белгиланган демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғоялари атрофида фуқароларни жипслаштиришга хизмат қилишини таъкидлаш ўринлидир. Бу борада давлат раҳбарининг Конституция кунини нишонлашга оид фармойишларни тасдиқлаш амалиёти алоҳида аҳамият касб этади.

Ғулом МИРЗО
суҳбатлашди



Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси

барча юртдошларимизни, хусусан, касаба уюшмалари фаоллари ва аъзоларини

11 ноябрь –

Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан самимий муборакбод этади!

Меҳнаткаш халқимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни ҳам маънавий, ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий томондан қўллаб-қувватлаш учун хизмат қилаётган юртдошларимизга омад ва муваффақиятлар доимо ёр бўлсин! Хонадонларингизда ҳамиша оилавий хотиржамлик ва меҳр-оқибат ҳукмрон бўлсин!

Байрам муборак, азизлар!

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси

Халқимиз саломатлигини тиклаш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган, меҳнаткашлар манфаатлари ҳимоясида собит турган соҳа ходимларини касб байрамлари –



11 ноябрь –

Ўзбекистон касаба уюшмалари куни билан самимий қутлайди!



Юртимиз ҳамиша тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, сизларга доимо оила аъзоларингиз билан бирга бахтли ҳаёт кечириш насиб этсин. Ўзингиз ҳар доим соғ, умрингиз узоқ бўлсин!

Элга хизмат қилишдан асло чарчаманг!



Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси

юртдошларимизни ва шу тизимда хизмат қилаётган касаба уюшма аъзоларини

11 ноябрь –

Ўзбекистон касаба уюшмалари куни билан самимий муборакбод этади!

Биз соҳада ишлаётган, дастурхоналаримизни турли-туман ноз-неъматлар билан тўлдириб, хонадонларимизга файз киритаётган азиз кишиларнинг ишларига омадлар тилаймиз.

Хирмонингизга барака берсин!



«САЁҲАТ САРИ» унитар корхонаси маъмурияти

юртимиз аҳлини







11 ноябрь –

Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан чин дилдан қутлайди!

Касаба уюшмалари тизимида ишлаб, меҳнат аҳлини доимо қўллаб-қувватлаётган, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилаётган соҳа эгаларига бирдамлик ва оилавий бахт-саодат тилаймиз.

Барча яхши ниятлар ижобат бўлсин!

Эълон

«ЕКО-YASMINA» МЧЖ (СТИР 203 348 824) Жамият устав фонди 218 390 986 сўм 48 тийиндан 72 390 986 сўм 48 тийинга камайтирилаётганини маълум қилади. Талаблар Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, М.Ашрафий кўчаси, 103-А-уй манзили бўйича юборилиши мумкин.

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV *(tahrir hay'ati raisi)*, Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV *(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari)*,

Mehriddin SHUKUROV *(Mas'ul kotib – «Ishonch»)*,

Valentina MARSENYAK *(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrirlar:
A. Haydarov,
J. Nahanov

Musahhihlar:
D. Xudoyberganova,
D. Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 00:50
Topshirildi – 01:20

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: **133**

Umumiy adadi 35 012 ta
Shundan:
7 130 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
19 083 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
8 799 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda
chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G-1111

1 2 3 4 5 6